

Тракторлар, Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналарининг гидравлик ва электрик тизимларини ўқитиш учун дастурий маҳсулот харид қилиш бўйича конкурс (такроран)

Ташкилот/Институт/Компания: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҶХММИ) Лойиҳа номи: Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш

Лойиҳа ID: AIF 2/16

ТРАКТОРЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ МАШИНАЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ВА ЭЛЕКТРИК ТИЗИМЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

ТИҶХММИ Жаҳон банкининг Ўзбекистон Республикасида Олий таълимни модернизация қилиш лойиҳаси доирасида Академик инновациялар фондининг “Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш” лойиҳасини амалга ошироқда ва лойиҳа маблағларининг маълум бир қисми таълим жараёнида фойдаланиладиган дастурий маҳсулот ва электрон ресурслар харид қилиш учун сарфланиши режалаштирилган.

ТИҶХММИ ваколатли ташкилотлар/компанияларни қўйидаги дастурий маҳсулотни етказиб бериш бўйича конкурсда қатнашиш учун қизиқишиларини билдиришига таклиф қиласди:

Номи

Вазифаси, имкониятлари

Тракторлар, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари гидравлик ва электрик тизимларини ўқитишида фойдаланиладиган дастур

Дастур таълим бериш учун мўлжалланган ва ундан «Тракторлар ва транспорт воситалари», «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари», «Тракторлар ва мелиорация машиналари гидравлик тизимлари» курсларида лаборатория амалий машғулотларни ўтказишида фойдаланилади (дарслар 10-12 талабадан иборат кичик групхларда ўтказилади). Дастур ёрдамида гидравлик ва электрик тизимларнинг вертуал схемаларини қуриш ва улар ишини ўлчов воситалари (мультиметр, осциллограф, гидравлик тестер, термометр ва бошқалар) дан фойдаланиб симуляция қилиш/моделлаштириш мумкин; эксплуатация жараёнида пайдо бўладиган носозликларни бартараф қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун вертуал тизимда муаммоли ҳолатлар юзага келтириш ва уларни фаоллаштириш имконияти мавжуд.

Товарларни харид қилиш Жаҳон банки Қўлланмалари: ХТТБ кредитлари ва Жаҳон банки қарздорлари томонидан ХТА кредитлари ва грантлари бўйича товарлар, ишлар ва номоддий хизматлар харид қилиш (2011 январда қабул қилинган), 2014 йил июл ойида қайта кўриб чиқилган (Харидлар бўйича қўлланма) қоидаларига мувофиқ амалга оширилади ва конкурсда ваколатли мамлакатларнинг ҳар қандай иштирокчилари иштирок этиши мумкин.

Қизиқиши билдирадиган ташкилотлар / компанииялар қўйида келтирилган электрон почта орқали қўшимча маълумотлар (дастурий маҳсулотга талаблар (спецификация), дастурни етказиб бериш шартлари ва бошқалар) олиши мумкин. Таклифларни шакллантириш ва етказиб бериш муддати 2021 йил 27 июлгача, 20 кун.

Тижорат таклифлари таклиф берилган кундан бошлаб 90 кун давомида амал қилиши керак.

Конкурсда қатнашадиган хорижий иштирокчилар дастурни Тошкентга етказиб бериш харажатларини ҳам эътиборга олишлари керак.

Манзил: К.Ниязов кўчаси 39, Тошкент, 100000 Ўзбекистон

Телефон: +998 71 237 2534

Электрон почта: aif-agr-eng@tiiame.uz